# ПАРТИЯ КЎРСАТГАН ОЙДИН ЙЎЛДАН

**Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми ва ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг саккизинчи сессияси материалларини ҳаракатимизнинг жанговар программаси сифатида қабул қилдилар**

- КПСС Марказий комитети июнь Пленуми қарорлари—амалда
- *Ҳаракатимизнинг жанговар программаси*
- Меҳнат ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш—ютуқлар гарови
- Социалистик демократияни ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлик.


*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 138 (5129).
20 ИЮНЬ 1983 Й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ


Совет жамияти янги босқичга қадам қўйди, бу босқичда ишлаб чиқарувчи кучларда чуқур сифат ўзгаришлари қилиш ва шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш зарурати етилди. Шу билан чамбарчас боғлиқ равишда одамларнинг онгида, жамиятнинг бутун устқурмасида ҳам ўзгаришлар рўй бериши лозим.

(КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қароридан).

Республикамиз пойтахти меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми, партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ана шу Пленумда сўзлаган ёрқин ва сермазмун нутқини, Пленумнинг бошқа материалларини, ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг саккизинчи сессияси материалларини зўр эътибор ва катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Шу кунларда барча совет кишилари қатори Тошкент меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясининг қарорларини қизғин маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар. Тошкентлик ишчилар, фан, маданият, маориф, идеология ходимларидан редакциямизга ана шу туйғулар жўшқин акс этган хатлар пешма-пеш келиб турибди. Бугун улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

## СИЁСИЙ АКТИВЛИК— МЕҲНАТ АКТИВЛИГИ

Ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Пленумида қилган докладида, Юрий Владимирович Андроповнинг шу анжуманда сўзлаган нутқида идеологик ва оммавий-сиёсий ишни тубдан яхшилаш, жамиятимизда партиянинг раҳбарлик ролини янада мустаҳкамлаш, дабдабабозликдан воз кечиш, одамларни тарбиялашда ҳаёт талабларига асосланиш, бу муҳим ишда ҳозирги пайтнинг ўзига хос хусусиятини ва ҳозирги дунёда ғоялар курашининг хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлиги қайд этилади. Ҳаёт ана шуни тақозо этади, партия ана шунга даъват этади.

Ривожланган социализм даврида ишлаб чиқарувчи кучлардаги ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш одамлар онгида ҳам ўзгаришлар ясаши лозим, — дейилади Пленум материалларида. Бу ҳаёт тақозоси ҳамдир. Мисол учун бригадамиз сингари кичик коллективни олиб кўрайлик. Биз бир неча йилдан буён пудрат хўжалик ҳисоби методи билан уй-жойлар қурмоқдамиз. Бундай усулда иш кўрганда ишчи объектда чинакам хўжайин бўлиб қолади, уни имкони борича тез ва юқори сифатли қилиб, кам чиқим билан фойдаланишга топшириш учун интилади. Ишчи ўз манфаатини кўзлаб ҳам, давлат манфаатини кўзлаб ҳам ҳисоблашни ўрганиб олди, у «Тежамли экономика» ижодкори бўлиб қолди. Бу эса меҳнат активлигини сиёсий активлик билан қўшиб олиб боришнинг ўзидир.

Ҳозир «Жилстрой» трестимиздаги ҳамма бригадалар пудрат методини ўзлаштиришди. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулини чинакам пропаганда қилмай туриб, бутун коллективнинг яхши уюштирилган конкрет сиёсий ва иқтисодий ўқувисиз, коммунистлар, барча жамоат ташкилотларининг кучғайратисиз бунга эришиш амри-маҳол бўлур эди. Шу тариқа самарага эришилди: уй-жой қурилиши жадаллашди.

Катта ва кичик бўлган ҳар бир ишни чинакам эътиқод билан бажариш лозим. Шуни ёдда тутиш керакки, қилаётган ишларингнинг ҳаммаси инсониятнинг коммунизм қуришдан иборат олижаноб орзусини амалга оширишга қўшилаётган ҳиссадир.

**Р. АБДУРАҲМОНОВ,**
**бригадир, «Главташкентстрой»га қарашли «Жилстрой» трести партия комитетининг аъзоси.**

## НОВАТОРЛАРНИНГ ҚАТЪИЙ СЎЗИ

КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, фан ва техника тараққиётини ривожлантириш, меҳнатни интенсивлаш имконини берадиган истиқболли машиналар ва технология яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда бизнинг ихтирочиларимиз ва рационализаторл а р и миз ўзларининг қатъий сўзларини айтишлари керак.

Изланувчан кишиларнинг «Подъёмник» заводи ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси катта. Улар меҳнат унумдорлигини янада ўстиришга, оз маблағ сарфлаб, пландаги асосий буюмларни ишлаб чиқаришни таъминлашга катта эътибор беришяпти.

Мана, инженер-конструктор В. Матушкин, конструктор В. Чен, токарь Ю. Бойковнинг ижодий группаси. Новаторлар бир қатор меҳнат жараёнларида унумдорликни кескин ошириш, сифатни яхшилаш имконини берадиган талайгина техник янгиликларни жорий этдилар.

Корхона коллективи техника ижодиётини рағбатлантириб, энг яхши рационализаторлик таклифлари учун конкурслар ўтказиб турибди. Масалан, ўтган йили кран тележкаси рамаси конструкциясини бошқатдан ишлаганлиги учун ёш новаторлар — цех бошлиғи Ф. Кузьмин ва катта мастер Ю. Мельников мукофотга сазовор бўлишди.

«Подъёмник» рационализаторлари фақат шу йилнинг биринчи кварталида 30 та қимматли ихтирочилик ва рационализаторлик таклифини киритдилар. Бир қатор янгиликлар жорий этилиб, 30 минг сўмдан кўпроқ иқтисодий самарага эришилди, 24 тонна металл тежалди.

Партия масалани кенг қўймоқда. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, компъютер ва роботлардан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқаришни янги замонавий маҳсулотлар тайёрлашга тезда мослаштириш имконини берадиган технологияни жорий этиш учун курашни кучайтириш зарур. Корхонанинг ижодий коллективи мана шу вазифа устида ишлайди.

**Н. КОЗИНСКИЙ,**
**слесарь.**



Шаҳримиз меҳнаткашлари ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг VIII сессияси материалларини катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

СУРАТДА: 11-«Висотстрой» трестига қарашли махсус темир-бетон қурилиш-монтаж бошқармасининг коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери, коммунист Мухтор Ҳабибуллаев тушки танаффус вақтида қурувчиларни Ю. В. Андропов нутқи билан таништирмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

## СССР Олий Советининг ҚАРОРИ

### «МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРНИ БОШҚАРИШДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

«Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида»ги СССР Қонуни қабул этилганлиги муносабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1. «Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги роли тўғрисида»ги СССР Қонуни 1983 йил 1 августдан кучга киритилсин.

2. СССР Олий Совети Президиумига ССР Иттифоқи қонунларини «Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириб олиш топширилсин.

3. СССР Министрлар Советига:

СССР ҳукуматининг қарорларини мазкур қонунга мувофиқлаштириб олиш;

СССР министрликлари, давлат комитетлари ва идораларининг «Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида»ги СССР Қонунидан келиб чиқадиган қонун актлари лойиҳаларини тайёрлаш ва тақдим этиш тартибини белгилаш;

қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида СССР Олий Совети палаталарининг мажлисларида депутатлар айтган таклиф ва мулоҳазаларни қараб чиқиб, улар юзасидан тегишли чоралар кўриш топширилсин.

4. Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига иттифоқдош республикаларнинг қонунларини «Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириб олиш топширилсин.

5. Халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижрочи ва бошқарувчи органлари, министрликлар, давлат комитетлари ва идораларга, бошқа давлат ва жамоат органларининг раҳбарларига «Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида»ги СССР Қонуни лойиҳаси муҳокама этилиши муносабати билан гражданлардан шу органларнинг фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан тушган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиб, уларни рўёбга чиқариш тадбирларини амалга ошириш топширилсин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**Ю. АНДРОПОВ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1983 йил, 17 июнь.

## ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ, МОСКВАЛИК САНЪАТКОРЛАР!

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг Тошкентдаги гастроллари

**18 июнь куни кечқурун икки марта Ленин орденли ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг балет труппасини Тошкент аэропортида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Маданият бўлимининг мудири А. О. Тўраев, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов, Ўзбекистон ССР Маданият министри З. Р. Раҳимбобоева ва пойтахт жамоатчилиги вакиллари қизғин кутиб олдилар.**

Мамлакатимиз машҳур театрининг Тошкентдаги гастролларига ташриф буюрган таниқли санъаткорлар, балет усталари, рассомлар, театршуносларни Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари, таниқли санъаткорлар олқишлашди. Кўп миллатли совет маданиятининг байроқдори, жаҳонга машҳур Большой театр санъаткорлари ўзларининг бугун В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида атоқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» достони асосида яратилган «Ҳинд достони» балети билан бошланадиган гастролларини Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишлайдилар. Театр коллективи тошкентликлар эътиборига ҳавола этадиган гастроль программаси ранг-баранг.

**Меҳмонларимиз репертуаридан жой олган саҳна асарлари Большой театр балет усталарининг Ўзбекистон пойтахти санъаткорлари билан ижодий алоқалари ва ҳамкорлиги ҳақида Ленин мукофоти лауреати, СССР халқ артисти, ССР Иттифоқи Большой театри бош балетмейстери Юрий Григорович ва СССР халқ артисти, Ҳамза номли республика Давлат мукофоти лауреати, А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри бош балетмейстери Галия Измайлова суҳбатини газетамизнинг тўртинчи саҳифасида ўқийсиз.**

# *СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ*
# ҚОНУНИ
## МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРНИ БОШҚАРИШДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Корхона, муассаса, ташкилотнинг меҳнат коллективи социалистик жамиятнинг асосий ячейкаси бўлиб, СССР Конституциясига мувофиқ мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва социал турмушида кенг ваколатларни амалга оширади. СССРдаги меҳнат коллективларининг фаолияти ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик мулклилигига ва экономиканинг планли ривожлантирилишига асосланади. Меҳнат коллективларида биргаликда қилинадиган меҳнат ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам негизларида амалга оширилади, давлат, жамоат ва шахс манфаатларининг бирлиги таъминланади, ҳар бир ходимнинг коллектив олдидаги ва коллективнинг ҳар бир ходим учун масъулияти принципи қарор топади. Меҳнат коллективлари мамлакатнинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтиришлари, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишлари, коллектив аъзолари тўғрисида, уларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилишлари лозим.

Етук социализм шароитида меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш, жамоат ва давлат турмушидаги роли оширилади, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг корхоналарни, муассасаларни, ташкилотларни бошқаришда актив иштирок этишлари учун имкониятлар кенгайтирилади, коммунизм қурилиши давомида ривожланиб борувчи чинакам социалистик ўз-ўзини бошқариш амалга оширилади.

Меҳнат коллективлари ишидаги онгли интизом ва юксак уюшқоқлик, коллектив аъзоларининг ташаббускорлиги ва активлиги, оммавий техника ижодкорлиги — ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг, совет халқи фаровонлигини оширишнинг, шахсни ҳар томонлама камол топтиришнинг зарур шартидир.

Коммунистик партия билан Совет давлати социалистик демократияни янада ривожлантириш йўлини амалга ошириб, Лениннинг бошқаришда меҳнаткашларни қатнаштириш ҳақидаги, ҳар бир меҳнатчи ўз корхонасида ўзининг хўжайин эканини ва бутун мамлакатнинг вакили эканини ҳис қилиши лозимлиги ҳақидаги қоидаларини изчиллик билан рўёбга чиқармоқдалар. Корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришни янада демократлаштириш меҳнат коллективларида иш кўрувчи жамоат ташкилотларининг активлигини ошириш билан чамбарчас боғланган. Меҳнаткашларнинг сиёсий онглилиги, уларнинг маданий ва касб-кор савияси ўсиши, бошқариш ва хўжалик юритишнинг такомиллаштирилиши меҳнат коллективларининг ҳуқуқларини кенгайтириш ва уларнинг жамият олдидаги масъулиятини кучайтириш учун шарт-шароит яратади.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг меҳнат коллективлари**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг меҳнат коллективи — давлат, жамоат корхонасида, муассаса, ташкилотда, колхозда ва бошқа кооператив ташкилотда биргаликда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи барча ходимларнинг бирлашмасидир.

Ягона меҳнат коллективи составида корхона, муассаса, ташкилотнинг структурасига мувофиқ равишда цехлар, бўлимлар, участкалар, бригадалар ва бошқа бўлинмаларнинг коллективлари ишлайдилар.


**(Давоми иккинчи бетда).**

